O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил. 27 октябр | 35 (165)-сон

ИККИ DАРЁ АРО ЧИҚҚАН ҚУЁШЛАР

БУЮК АЛЛОМАНИ ВАТАН АЛҚАМОҚДА

Самарқандда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди

Самарқандда ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илми султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Қадим Самарқандга жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатидан, ЮНЕСКО, «Ал-Бабтийн» жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрди.

«Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш. Мирмаҳмудов раислик қилди.

Муқаддас Қуръон тиловати билан бошланган анжуманда Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Нуриллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимов, Қувайтнинг «Ал-Бабтийн» жамғармаси раиси Абдулазиз Сауд ал-Бабтийн, Мисрнинг «Ал-Азҳар» университети ректори Аҳмад Умар Ҳошим ва бошқалар сўзга чиқди. Нотиқлар алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган улкан илмий мероснинг аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Анжуман доирасида иштирокчилар шўъбаларга бўлиниб, илмий мулоқотларни давом эттирдилар. Шўъба мажлисларида «Имом ал-Бухорий замони», «Имом ал-Бухорийнинг ҳадисшунослик илмига қўшган ҳиссаси», «Имом ал-Бухорий илмий меросининг халқаро миқёсда ўрганилиши» каби мавзуларда маърузалар ўқилди, баҳс ва мунозаралар ўтказилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида юбилейга ташриф буюрган Қувайт давлати вақф ва ислом ишлари вазири Аҳмад Холид Кулайб таклифига биноан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков томонидан қувайтлик меҳмонлар қабул қилинди.

Учрашув ниҳоясида қувайтлик меҳмон ташкилий қўмита раисига Қувайт амири Жабр ал-Аҳмад ас-Сабоҳ томонидан Имом ал-Бухорий масжидига ҳадя этилган 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ чекини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов буюк ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги тантаналари.
Президент Ислом Каримов ёдгорлик мажмуасида. Самарқанд. 1998 йил 23 октябр.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат (ЎзА).

**Анвар БОБОЕВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари**

АЛ-ФАРҒОНИЙ ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ

Фарғонада буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик тантаналари кенг нишонланди

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига чиқиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ўзгаришлар, аввало ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз, тарихий мерос ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, келажак авлодларга етказишга катта эътибор қаратилаётганлиги маънавий янгиланиш борасида муҳим босқич бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда буюк бобокалонларимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйлари нишонланиши аждодларга эҳтиром, ўтмиш меросга янгича ёндашув, миллий онг, миллий ғурур ва ўзликнинг уйғонишидан, қадриятлар тикланаётганлигидан далолатдир.

Қадимий Қува Шаҳристонида ҳам юбилей муносабати билан улкан ишлар амалга оширилди: фаввоҳалар билан безалган Шаҳристон майдони барпо этилди, устунлар билан қуршалган арк ичида ал-Фарғоний ҳайкали қад кўтарди. Айни пайтда бу ерда кенг кўламли археологик қазилмалар бошланди, кўҳна Қубо деворлари қайта тикланди. 11 гектардан зиёд майдонда олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида қўлга киритилган топилмалар шаҳар тарихи 2500 йилдан ортиқ даврни ташкил этишидан далолат бермоқда.

24 октябр куни эрта тонгда юбилейга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, республикамиз вилоятлари, жамоат ташкилотлари вакиллари Фарғона шаҳрига етиб келдилар. Юбилей тадбирлари вилоят театр биносида ўтказилган «Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро анжуман билан бошланди. Унинг ялпи мажлисида Аҳмад ал-Фарғонийнинг дунё фани тараққиётидаги ўрни, ал-Фарғоний ва мусулмон астрономиясининг шаклланиши мавзуларига бағишланган маърузалар тингланди. Илмий конференциянинг шўъба мажлислари аллома илмий мероси, ал-Фарғоний ва дунё астрономияси, буюк олимнинг амалий фанлар ривожига қўшган ҳиссасига оид масалаларга бағишланди. Қирққа яқин хорижий мамлакатдан ташриф буюрган олимлар аллома илмий кашфиётлари Шарқ Уйғонишининг ибтидоси бўлганлигини, унинг мероси Беруний ва Улуғбек каби даҳолар етишиб чиқиши учун пойдевор яратганини таъкидладилар.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналарида. Фарғона. 1998 йил 24 октябр.
**Шуҳрат ОЛИМОВ,
Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат. (ЎзА).**

Юбилей тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Президент Ислом Каримов Қува Шаҳристон мажмуи билан яқиндан танишиб, археологик топилмалар: кўп асрлик тарихга эга жиҳозлар,уй-рўзғор буюмлари, ҳунармандлик намуналарини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Шаҳристон майдонидаги Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали пойига гул қўйди.

Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бобокалонимизнинг боғ тўрида қад ростлаган улуғвор ҳайкали аллома ўз юртига қайтганлигини, қўлидаги «Осмон юлдузлари харитаси» эса унинг фаолияти илмни юксак фалакка кўтарганлигини, ватандошларимизнинг улуғ алломага ҳурматини ифода этади.

Ҳайкал пойига юртбошимиз номидан гулчамбар қўйилди. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали очилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари бутун юртимиз аҳлини қутлуғ тантана билан муборакбод этди.

**Беҳзод УСМОН,
Расулжон КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари**

XXI АСР «УЧИНЧИ ТЎЛҚИН»ДА

XXI аср инсоният тарихида улкан техника тараққиёти даври бўлиши кутилмоқда. Биз буни Япония, Жанубий Корея, Германия ва Америка каби ривожланган ҳамда ривожланаётган йирик электрон мамлакатларнинг эришаётган ютуқларига асосланиб айтишимиз мумкин. Нью-Йорклик публицист, социолог Оливер Тофлер 1980 йилда «Учинчи тўлқин» назариясини яратган эди. Унинг фикрича, «Учинчи тўлқин» назарияси ижтимоий муносабатларни электрон воситалар асосида такомиллаштиради ва одамларни стандартлаштириш, марказлаштиришдан қутқаради».

Назаримда катта еттилик ҳисобланган мамлакатлар бу ғояни амалга оширишда лидерликка эришмоқдалар. Бироқ бу лидерлик ушбу мамлакатларда «Учинчи тўлқин» назарияси тўла амалга ошди ёки ривожланди деган хулосани бермайди. Негаки, Япония, Кореядаги молиявий инқирозлар, АҚШдаги сиёсий можаролар, яъни Президент Клинтон билан боғлиқ шахсий муаммоларнинг сиёсий «достон»га айланиб кетганлиги маълум маънода «Учинчи тўлқин» шаштини сусайтириб қўйяпти.

Аммо, шундоқ ҳам АҚШ ўз оммавий ахборот воситаларининг демократиялашганлиги, беқиёс ривожланганлиги билан бошқа мамлакатлардан фарқ қилади. Бу эса Америка учун ривожланган соҳаларнинг юздан бирига тўғри келишини бутун дунё оммаси яхши билади. Дейлик, «Америка овози» радиостанцияси нафақат АҚШда, балки жаҳон аҳли ичра ҳам маълум ва машҳурдир. «Америка овози» радиостанцияси ўз фаолиятини 1942 йилда бошлаб, Юсия агентлиги қошида иш олиб борди. Унинг алоҳида эътиборли томони шундаки, бу тўлқинда аввало АҚШнинг айни пайтдаги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий турмуш тарзи ёритилади. Шу билан бирга, у бошқа мамлакатларда бўлаётган муҳим воқеа ва социал жараёнларни америкаликлар нуқтаи назари билан ёритишга интилади. «Америка овози» бошқа давлатлар ҳақида қайғуришни ҳам унутмаган. Масалан: Гонконг, Жанубий Хитой, океан орти регионларига эрталабки эфир вақтини сарфлайди. 1976 йил Жон Форт томонидан махсус низом тасдиқланган эди. Лекин 90-йиллар бошида янги таҳрирга ўтилди, ҳозиргача унга риоя қилиниб келинмоқда. Янги таҳрирга кўра «Америка овози» халқининг ҳамма қарашларини ифодалаб туриши лозим. Радиостанцияда 200 дан ортиқ одам фаолият кўрсатади, 50 та жаҳонгашта мухбири эса хорижда ишлайди. «Америка овози»нинг бир қанча рукнлари мавжуд. Унинг «Бугунги Америка»,. «Илмий кундалик», «Қишлоқ хўжалиги бугунги кунда», «Китоблар олами», «Учрашув» ва «Американча нуқтаи назар» каби эшиттиришлари ҳаво тўлқинлари узра жаҳон кезмоқда. Жумладан, бу тезкор восита кунига 4 соат украин тили, 45 минут грузин, бир соат 45 минут арман ва 2 соат ўзбек тилларида эшиттиришлар узатади.

Биз юқорида таъкидлаган «Учинчи тўлқин» ҳамда фанга маълум «Электрон каттеджлар назарияси», шубҳа йўқки, жамият учун ғоят улкан натижаларни бера олади. Бўлажак цивилизациянинг асоси бу — электрон каттеджлар ҳисобланади. Каттеджлар шароитида яшовчи оилалар компютер орқали ишлаб чиқаришда қатнашади. Яна бир ютуғи шундан иборатки, электрон каттеджлар шароитида яшаш ишлаб чиқаришда стандартлаштиришни йўқотади. Маҳаллий матбуот ва касб-хобби бўйича журналларга эҳтиёжлар кўпаяди, шахсий хоҳишларни қондирадиган телеканаллар, радиостанцияларнинг сони ортади. Бундай кўрсаткичга эришиш учун бугунги кунда Америка қаттиқ интилаяпти, деб айтиш мумкин. Аслида жамиятнинг оммавий ахборот воситаларини мукаммаллаштириш, техник имкониятларини яратиш, Бзжержинский фикри билан ифодалаганда, «технатрон жамиятга олиб чиқиш» жаҳон оммавий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг кенг доирали ривожланиши мамлакатни демократлаштиради ва ижтимоий муносабатларни тор доирадан, кенг яъни мамлакатлараро доирага олиб чиқади, уни юксак даражага кўтаради.

**Тоҳир ШОМУРОДОВ,
«МТ» мухбири**

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС ҚЎЛ КЕЛДИ

Андижон вилоятидаги илғор жамоаларнинг бири Иброҳим Бакиров номидаги хўжалик ерларининг тенг ярми паст-текисликдан иборат, қолган қисми Экин-тикин ва Бўтақора адирларига жойлашган. Демак хўжаликнинг ер шароити арзиксиман бўз тупроқ, сизот сувлари яқин ва тош-шағал аралаш қоратупроқдан иборат. Шунинг учун ҳам Андижон туманидаги бу хўжалик аъзолари пахта, буғдой, шоли етиштиришга миришкордир. Хўжалик собитқадамлик билан иш олиб боради. Бу хўжаликдан 13 нафар меҳнат қаҳрамони, кўплаб туман ва вилоят раҳбарлари етишиб чиқди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатда кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги шаклланди. Бу хўжалик ҳаётида ҳам аксини топмоқда. У пилла, ғалла, пахта, сабзавот, мева каби қимматли хомашё етиштиришга ихтисослашди. Бунга чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам қўшилади. Хўжалик 781 гектарга «Фарғона-3» навли чигитни 100 фойиз плёнка остига сифатли қилиб экди. Ер тузилиши турлича, экинларга ишлов бериш мураккаб бўлган жамоа хўжалиги аъзолари (бошқарув ҳайъати раиси Ботиржон Сатторов) астойдил меҳнат қилиб, пилла тайёрлашни 110 фойизга, ғаллани 107 фойизга, узум сотиш режасини эса 110 фойизга уддаладилар. Бир сўз билан айтсак, хўжалик пахтакорлари учун Оила йили туб бурилиш йили бўлди. Баҳордаги ёғингарчиликлар, сув тошқинларини мардонавор енгиб меҳнат қилган деҳқонлар — пахтачиликни миридан сиригача биладиган нуронийлар маслаҳатларига тўла амал қилдилар. Далага чиққан ҳар бир киши сидқидилдан меҳнат қилди. Ғўза парвариши жараёнида агротехника қоидаларига тўла амал қилинди. Икки ярим марта озуқа берилиб, ғўза ниҳоллари меъёрида суғорилди. Бу ишда ернинг ва ўсимликнинг шароитига алоҳида эътибор берилди.

Ишнинг кўзини биладиган Б. Сатторов тавсиясига асосан ғўзалар текис шоналаганда плёнкалар 100 фойиз йиғиштириб олинди. Бу тадбир бир текис ўсаётган ниҳолларни қуёш нуридан яхши нафланиш, механизмлардан унумли фойдаланиш, кетмон чопиғини сифатли ўтказиш имкониятини берди. Ғўза чеканкаси 10 июлда тугалланди. Ана шу тадбирларни амалга ошириш жараёнида пахтакор ва механизаторларнинг ойлик маошлари маҳсулот айирбошлаш ҳисобига бериб борилди. Деҳқонлар ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳамма майдонларда 40—54 центнердан «оқ олтин» етиштириш аҳди билан ишладилар.

«Эрта экқан эрта йиғиштиради ва мўл ҳосил олади» деган ибора бу хўжалик мисолида ўз тасдиғини топиб, катта зафар ёр бўлди. Чигит экишни мартнинг учинчи ўн кунлигида тамомлаган Юнусали Болтабоев, Турғунбой Боқибоев, Содиқжон Масадиқов, Рўзибой Тўхтаев бригадаларида 50 центнердан пахта ҳосили олинди. Абдуназар Холиқов, Исмоилжон Қодиров, Набижон Қобулов, Тўйчибой Маматов, Комилжон Усмонов, Ёркинбой Сотиболдиевлар етакчилик қилган бригадаларда эса 40—48 центнерлик ҳосил қўлга кирди.

10 сентябрдан теришга тушилиб, 15 иш кунида йиллик режа вилоятда биринчи бўлиб 100,2 фойизга уддаланди. Шу орада минг тоннадан ортиқ уруғлик пахта ҳам сифатли терилиб, давлат омборига топширилди. Хўжалик шартномани 15 кунда бажариб, уруғлик пахта ҳисобига 4 миллион 28 минг сўмдан зиёд қўшимча фойда олди. Пахтани сифатли териб сотилиши таъминланганi учун 12,4 тонна пахта қўшиб берилди. Сотилган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилингани учун бир тонна пахтанинг харид баҳоси 29790 сўмга тўғри келди. Ўтган йил эса 21446 сўмни ташкил этган эди. Шундай қилиб, режа бажарилган кунига пахтачиликдан 14 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча даромад олинди.

Илғор хўжалик биринчи октябрга йиллик пахта сотиш режасини 107 фоизга уддалаб, вилоятда биринчиликни эгаллаб турибди. Меҳнат зафарига эришишда серғайрат, аҳдига вафодор теримчилар ҳиссаси катта бўлди. Теримчиларга ҳар беш кунда терган пахтасининг пули бериб турилиши, илғорларни рағбатлантириш ишлари ибратли ташкил этилиши кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Хўжаликда улар сафи 1029 кишига етди. Бугунгача 45 центнердан ошириб пахта териб олган бригадаларнинг кўпмингкилограммчи теримчиларидан Раънохон Олимова, Рисолатхон Мақсудова, Санталатхон Нишоноваларнинг ҳар бири кунига 170—210 килограммдан пахта тердилар. Уларнинг ҳар бирининг сентябр ойида терган пахтаси 3,5—5,8 тоннага етди.

Ҳамма соҳада пешқадам бўлаётган И.Бакиров номидаги илғор хўжалик азаматлари пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, умумий ҳосилни 3900 тоннадан оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Ғўза баргини сунъий тўктириш ҳисобига қолган ҳосилни нобуд қилмай териб олишга, 450 гектарга 1999 йил ҳосили учун буғдой сепишга, салкам 60 гектардаги уруғлик соядан мўл ҳосил олишга бел боғламоқдалар.

**Ваҳобжон ДАДАБОЕВ,
Андижон тумани фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси**

**ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИ!
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА 1999 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ.
«МТ»ГА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ЁЗИЛИШ МУМКИН.
КЕЛИНГ, БИРГА ТИКЛАНАЙЛИК!**

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаввар кундир.

Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йиғилган жамоат, ал-Бухорийнинг мўътабар ҳокини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган мўмин-мусулмонлар том маънода бахтиёрдирлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш заминида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб — улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига албатта Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас қуръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир». Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Оллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?

Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?

Халқимизни, айниқса ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз?

Энг аввало Оллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз.

Мана шундай вазиятларда бизга метин ирода, сабот-матонат, ғайрат ва жасорат бахш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор.

Бу манба — улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.

Бу манба — ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбахш қудратидир.

Бу манба — уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи покларидир.

Ана шу ҳақиқат, ана шу эътиқод ватандошларимиз, азиз фарзандларимиз юрагига, онгу шуурига, тафаккурига тобора теран сингиб бормоқда.

Биз комил ишонч билан, Ўзбекистоннинг истиқлоли боқий, истиқболи буюк, дер эканмиз, мана шундай мустаҳкам асосларга таянамиз.

Муҳтарам жамоат!

Қадрли меҳмонлар!

Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимизда ҳам, бизни динимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган.

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори, динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, Устозларнинг устози, Муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» ислом динида Қуръони каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда.

Муҳтарам биродарларим!

Биз эски тузум, эски мафкура зуғумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.

Оллоҳнинг иноятн билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуғ кунда мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган муҳташам иморат ва иншоотларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос услуб ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакрор ва кўркам бинолар ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, юрагида ғурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Айниқса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, уни шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман.

Бу Оллоҳ таоло олдида, аждодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу қутлуғ масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзийди. Бу улуғвор мажмуа Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманган, Шаҳрисабзу Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фидойи инсонлар меҳнатининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёратгоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, моҳир меъморларимизга, шу улуғ обидага ғишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуғ бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга халқим номидан чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам жамоат!

Маълумки, Ислом динининг бош ғояси — бу «Ло илоҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи замindаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий бекиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншооллоҳ.

Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуогўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг хайрли ва савобли ишларида Раббимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Қадрли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Фарғонада муборак байрам. Кеча биз табаррук Самарқанд заминида Ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг таваллуд тўйини ўтказиб, ғоят савобли ишни адо этдик.

Бугун эса халқимизнинг яна бир буюк ўғлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг хотирасини ёд этиб турибмиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият аҳлининг диққат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда.

Азиз юртдошлар!

Кишилик тараққиётига ўзининг ўчмас улушини қўшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрлаган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Баҳовиддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуғ сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Ўзбек диёрида парвариш топган минглаб алломаю адиблар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурҳониддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёга келган Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, бу маскан ҳам кўҳна тарихимизда давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик анъаналаримиз тараққиётида беназир ўринга эга.

Азиз дўстлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъдодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта turtки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонунияти жўш уриши лозим.

Бунинг учун, энг аввало, мана шу қадимий ва бетакрор юртга Оллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак.

Азиз дўстлар, биродарларим!

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир.

Аҳмад ал-Фарғоний кишилик тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намояндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фани асосчиларидан эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг «Астрономия асослари» номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани унинг нақадар юксак аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгалиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб, Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.

Бу эътироф бобокалонимиз, янада кенгроқ айтсам, миллатимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳодир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожидаги нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер куррасидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-Фарғоний каби зотлар ёқиб кетган илм машъали янгитдан порлай бошлади. Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимизда ягона таълим-тарбия тизими махсус Миллий дастур асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Минглаб фарзандларимиз юксак тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, буюк аждодларимизнинг издошлари сифатида ақл-заковат, илмга чанқоқлик, тиришқоқлик намуналарини кўрсатаётгани жамиятимизнинг эртанги куни янада ёруғ бўлишидан дарак беради.

Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тантаналар ўзлигимизни, қадр-қимматимизни, миллатимизнинг дунёда тутган ўрнини англаш йўлида яна бир муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда кенг нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

Қадим Қубо тупроғида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг қаршингизда қад кўтариб турган бу улуғвор ҳайкали ватандошларимизнинг улуғ бобокалонимизга ҳурмат-эҳтироми ҳамда эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб қолиши табиийдир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, кўҳна Қубо шуҳратини тиклаш, Фарғона шаҳрини водий тароватига хос равишда обод этишда сидқидилдан меҳнат қилиб, бор маҳоратларини ишга солган қурувчиларга, меъморларга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган мероснинг оламшумул аҳамияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз Фарғона заминига, Қува тупроғига, шу ерда ўтган одамларнинг руҳи олдида ва бугун яшаётган авлодлар қаршисида таъзим қиламиз.

Бу зотнинг шу ерда туғилгани, тарбия топиб вояга етгани бу юртни барчамиз учун янада азиз ва мукаррам қилади.

Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Бағдодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада ўз илмий кашфиётлари билан шуҳрат топган бўлмасин, ишонаманки, у ҳамиша туғилган юртини соғиниб яшаган. Она Ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу туйғу нафақат улуғ инсонларга, балки иймонли, диёнатли ҳар бир одамга хос хусусиятдир.

Муҳтарам ватандошларим!

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлод дунёга келади, лекин бу зотнинг номи, буюк мероси халқимиз учун шон-шараф рамзи бўлиб абадул-абад сақланиб қолади.

Яна бир бор барчангизни бугунги қутлуғ тантана билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Оллоҳ таолодан ҳаммангизга омонлик-фаровонлик, эзгу ва хайрли ишларингизда мадад тилайман. Улуғ бобомиз руҳи хонадонингизни нурафшон, қалбингизни мунаввар этсин.

«БАЛИҚЛИ КЎЛ»ДА ҲАММА ҲАРАКАТДА

Фотомухбиримиз ҳикояси

Чортоқ туманидаги «Бобур» номли жамоа хўжалигини бирор кишидан сўрасангиз, дарров айтолмаслиги мумкин. Лекин «Балиқли кўл» қаерда? — десангиз, дарров айтишади. «Балиқли кўл» Фарғона водийсига, қолаверса республикага танилган зиёратгоҳ ва дам олиш масканларидан бири. Тоғ ён бағри адирларга жойлашган бу хўжаликнинг булоқлари кўп, суви, меваси, ҳавоси тоза. Бу ердан дам олувчиларнинг қадами узилмайди. Одамлари ишбилармон, хушфеъл, содда, одамохун. Туман марказидан бу ергача 45 километр йўл босасиз. Келган одам пушаймон бўлмайди. Бунда турли хил хусусий-нохусусий маданий-маиший хизмат шохобчалари, дўкон, чойхона, ошхоналар дам олувчилар хизматида. Ростми-ёлғонми «Балиқли кўл» балиқлари ҳафтанинг жума куни сувга чиқишмас эмиш ва у балиқларни еб бўлмас экан.


«Бобур» жамоа хўжалиги раиси Абдуманноб Зокиров.

«Бобур» мева-сабзовот ва узумчилик хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бири. Хўжалик аъзолари тиним билмайди. Улар мева-сабзовотнинг янги навларини яратиб, яхши ҳосил олишади. Баланд адир ерларига сув чиқаришади, саф-саф тераклар экишади. Маиший маданий хизмат шоҳобчаларини қуриш, борларини замон талабига мослаштириб қайта тиклашга зўр беришади. Бу ерда қурилиш учун ёғочни олислардан элаииб ташиб келтиришмайди. 10 гектар майдонда теракзор барпо этилган, йўл ва ариқ бўйларига ҳам тераклар экилган. Теракларни махсус бириктирилган одамлар парвариш қилади ва улар шунинг учун ҳақ олади. Биз қурилиш учун фақат цемент сотиб оламиз, — дейди хўжалик раҳбари Абдуманноб Зокиров. Хўжалик ўзининг 40 кишидан иборат қурилиш бригадасига эга. Ана шу қурувчилар «Балиқли кўл» ва «Оқ терак» гузарларини, янги маданият уйини барпо этишди.

Ёғоч сотиб олмаслик, ташқаридан қурувчи ёлламасликнинг ўзи ҳам хўжалик иқтисодиётига катта фойда келтирмоқда. Бундан ташқари қурувчилар хўжалик аъзоларига ҳам уй қуриб бермоқда.

Келаси йилдан эътиборан хўжалик аъзолари учун замонавий ҳамма қулайликка эга бўлган турар жой бинолари қуриш режаси ишлаб чиқилди. Масалан, битта тайёр ҳовли хўжалик ҳисобида 100 минг сўм турса, олувчига 33 мингга бериладн, қолган қисми эса иш ҳақидан келишилган ҳолда ушлаб қолинади. Бунга уй қурувчи қурилиш материаллари излаб, вақтини кетказиб сарсон бўлиб юрмайди. Хўжалик аъзолари адир ерларни ўзлаштириш пайида. Ҳозир бир гектар адирликка сув олиб чиқишди. Синов учун полиз ва сабзовот экинлари экилди. Янги иш ўринларини кўпайтириш, одамларни иш билан таъминлаш, ердан унумли фойдаланиш имкониятлари яққол кўриниб турибди.

Тажрибали деҳқон Бузрукхўжа Тожиддиновнинг ҳикоя қилишича, хўжалик аъзоларининг бу йилги режаси улкан. 40 гектар ерда картошка, 130 гектар ерда сабзавот, 250 гектар ерда мева етиштирмоқда. Ҳозирги ҳисоб-китоблар 5900 тонна сабзовот, 1850 тонна мева олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Хўжаликда 11 минг аҳоли яшайди. Бу ерда каттаю кичик ўз эртасига умид билан қарайди. Улар қўл қовуштириб ўтирмайдилар. Ўз келажакларини ўзлари яратадилар.

Турғунбек МАҲКАМОВ
фоторепортажи



Суратларда: 40 йилдан бери деҳқончилик қилаётган Бузрукхўжа Тожиддинов. Хўжалик

БМТ 1999 ЙИЛНИ ХАЛҚАРО КЕКСАЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

БМТ маълумотларига қараганда, ҳозирда ер юзидаги аҳолининг ҳар ўн кишидан биттаси 60 ёшдан ошганлардир. Бу ҳол вақт ўтган сайин ўзгариб боради. 2050 йилга бориб, ер юзида ҳар ўн кишига битта 60 ва ундан ошган кекса тўғри келади. Иқтисодий тараққий этган мамлакатларда жамиятларнинг кексайиб бориши тобора аён кўзга ташланяпти. Ҳозирги кексаларнинг яшаш тарзлари ҳам аввалгилардан хийла фарқ қилади. Ҳозирнинг ўзида кекса ёшдаги кишиларнинг ярмидан кўпроғи шаҳарларда яшамоқда. Ёши саксондан ўтганлар эса уларнинг қарийб 11 фойизини ташкил этади. Кексалар орасида аёллар сони нисбатан ортиқроқ.

БМТ кекса кишиларнинг аҳволи, ҳаёт шароитларини яхшилаш борасида юздан ортиқ аниқ-равшан тавсиялар ишлаб чиққан. БМТ 1 октябрни Халқаро кексалар куни деб белгилаган.

Эндиликда 1999 йил халқаро кекса ёшли кишилар йили деб эълон қилинди. У «Барча ёшдаги кишилар жамияти сари олға» шиори остида ўтади. БМТ бу билан кексалар муаммоларига бутун жамиятлар, ташкилотлар, бизнесменлар, сиёсатчилар, журналистлар эътиборини тортишни мақсад қилиб қўйган.

Қадим илмлар зиёси

ФИҚҲ ИЛМИ — ЭЗГУЛИК МАНБАИ

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Аллоҳ ҳар бир кишига эзгулик истаса, уни дин бўйича фақиих (ҳуқуқшунос олим) қилади».

Ислом таълимоти икки асосий қисмдан иборат бўлиб, биринчиси ақидат (ақида, эътиқод) ва иккинчиси шариат деб аталади.

Бу икки тушунча орасида ўтиб бўлмайдиган чегара мавжуд бўлмай, уларни бутунлай бир-биридан ажратиб бўлмаса ҳам, улар ислом таълимотининг асосий икки томонини ифодалайди.

Биринчи атама иймон ва эътиқодга тегишли бўлган барча масалаларни қамраб олиб, умуман метафизика (табиат орти) муаммолари, яъни Аллоҳнинг борлиги, бирлиги, унинг зоти ва сифатлари, инсонлар тақдири, қайта тирилиш, жаннат ва дўзах, қиёмат кунида бўладиган ҳисоб-китоб ва бошқа кўп масалаларни ўрганишга ихтисослашган бўлиб, уларни текшириш эътиқод ва калом илмининг мавзуйи ҳисобланади.

Иккинчи атама кенг қамровли бўлиб, амалий ибодатлар, ахлоқ-одоб нормалари, ҳуқуқий муносабатлар ва ижтимоий ҳаётга тегишли барча масалаларни ўз ичига олади.

«Фиқҳ», яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги илми шариатнинг асосий қисмини ташкил этиб, катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳазрат пайғамбардан ривоят қилинган юқоридаги ҳадис ислом дунёсида фиқҳ илми ривожи учун таъсирчан туртки бўлиб хизмат қилиб келди. Давр талабларини назарда тутган фақиҳлар ижтиҳоди ва тинимсиз саъй-кўшишлари натижасида мусулмон ҳуқуқшунослиги ҳар томонлама ривожланиб, дунёнинг энг мукаммал ва такомиллашган ҳуқуқий тизимларидан бири сифатида юксак даражаларга кўтарилди. «Усулул-фиқҳ», яъни мусулмон ҳуқуқининг асосий манбалари ва методологияси ва «фуруъул-фиқҳ» — мусулмон ҳуқуқининг тармоқларидан таркиб топган ушбу ҳуқуқий тизим барча ислом давлатлари, айниқса, аббосийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳийлар, темурийлар ва бобурийлар давлатчилигининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этиб келган ва туркистонлик олимлар, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод этган жуда кўп фақиҳлар унинг ривожига унутилмас ҳисса қўшиб келганлар.

Мазкур давлатларда умуман ва темурийлар давлатида хусусан фиқҳ илмига катта эътибор қаратилган. Темурийларда бу фанга қизиқиш шу қадар кучли бўлганким, Мирзо Улуғбек томонидан Шаҳрисабзда қурдирилган Кўк гумбаз жоме масжиди ички деворининг атрофида ушбу ҳадиснинг арабча матни чиройли хат билан «ислимий» гўзал услубда бир неча марта такроран ёзиб қолдирилган. Шунингдек, темурийлар давлатининг идомачиси (давомчиси) бўлмиш бобурийлар императори Аврангзеб Оламгир назари остида мазкур давлатнинг ҳуқуқий кодекси бўлмиш «Фатовои Оламгирий» ёки «ал-Фатово-ал-ҳиндия» таълиф этилиб, инглизлар истилосига қадар, бутун Ҳиндистонда бобурийлар давлатининг ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланган ва урду тилига таржима қилиб нашр этилган.

Темурийларнинг фиқҳ илмига бунча қизиқишлари, улар ижтимоий ҳаётда инсон ҳуқуқлари ва қонунлар аҳамиятини нечоғлик чуқур тушунганликлари ва ўз фаолиятларида адолатга ҳомийлик қилганликларидан далолат беради.

Буюк давлат арбоби, вазир Амир Низомиддин Алишер Навоий фиқҳ илмини барча фанларнинг афзали ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)ни барча уммат сарвари деб таъкидлагани ҳам, мазкур ҳадиснинг мазмунидан келиб чиқади:

Қилғон киши касби
илмдан заҳматаро.
Фиқҳ ўргонсун саъй
ила ул меҳнатаро.
Илм ичра шараф
фиқҳда бил
нисбатаро,
Ким сарвар эрур
фақиҳ бу умматаро.

Шундай қилиб, 1400 йил бурун ислом пайғамбари ҳазрат Муҳаммад (С.А.В.) фиқҳ илмининг амалий ҳаётда қанча муҳим эканлигини ўз ҳадисларида кўрсатиб берган эдилар. Бугунги кунда ҳам жаҳон миқёсида ижтимоий тузумларни шакллантириш ва жамиятда адолат ўрнатишни унинг асосий воситаларидан бири бўлмиш ҳуқуқшунослик фанларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Биз ишонамизким, имом Бухорий китобида ривоят этилган жаноби пайғамбаримизнинг қимматли сўзлари жаҳон борича ўз илмий ва амалий аҳамият ва эътиборини сақлаб боради.

Абдулҳаким ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ



«Тўпаланг сув омбори — оби ҳаёт манбаи». Турғунбек МАҲҲАМОВ олган сурат.

АЛИШЕР НАВОИЙ АМЕРИКА ВА ОВРЎПАГА ҚАЧОН БОРАДИ?

Комил инсонни тарбиялаб етиштириш маънавий-маърифий сиёсатимиз асосига қўйилмоқда. Аждодлар комил инсон орзуси билан яшаганлар. Комилликка интилганлар.

Сарчашмаларга қарайлик.

Навоий ўз ижодида ислом ривожланган XV асрнинг инсони комили қандай бўлишини кўрсатиб беради. Унинг адолатли подшо тарафдори бўлган илғор романтизми реализм томон жиддий бурилишни бошлаб берган эди. Навоий носир, адабиёт тарихчиси, назариётчиси ва арузшуносдир. Унинг ўзи каби буюк устозлари кўп. Бироқ айрим устозларидан ўтиб кетганлиги сир эмас. Бу эса ҳаёт қонунидир. Гап бор: Ўз устози даражасида қолган шогирд ҳақиқий шогирд эмас. Мумтоз намоёндаларимиз буни хўб исботлаб кетганлар. Аҳмад Яссавий ўзбек шеърий адабий тилини бошловчи бўлса, Навоий мумтоз асарлари билан ўзбек адабий тилига асос солди. У шеърий романчиликнинг улкан намоёндасидир. Унинг «Ҳайрат ул-аброр»и ҳам фалсафий лирик романдай тасаввур этилади. «Хамса»нинг бошқа тўрт асарини ҳам эпик шеърий романлар дейиш мумкин. Абдураҳмон Жомий айтишича, форсийда Низомий, туркийда Навоий «Хамса»си юксак савиядадир. Навоий эпосдагина эмас, лирикада ҳам (айниқса, ғазал жанри тараққиётида) шундай юқори даражага эришдики, ҳозиргача ҳам, ҳеч ким эпосдагина эмас, балки лирикада ҳам, у эгаллаган баланд чўққига чиқа олмади.

Навоий ҳаёти темурийлар давлатида ўзаро низолар авж олган даврга тўғри келди, бу ҳол косиблар ва деҳқонлар аҳволини оғирлаштирди. Навоий шундай мушкул замонда темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва унда адолат ўрнатиш учун курашди.

Босқинлар, зулм, очлик ва қашшоқликка қарши бош кўтарган IX-XII асрлардаги мусулмон Шарқи уйғониш даври (Ренессанси) даҳолари бўлган Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Розий, Ибн Рушд, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Исмоил Бухорий, Алишер Навоийни тайёрлади. Уйғониш даврида шаҳар мавқеи ортди, ҳунармандчилик ўсди, савдо ривож топди, илму фан, адабиёт ва санъат, архитектура тараққий этди, ҳаёт ва инсонга янгича илғор муносабатлар туғилди, инсонпарварлик (гуманизм) чуқурлашди. Навоий XV-XVI асрларда иккинчи Шарқ уйғониш даврини тайёрлаган эди. Жомий, Навоий, Беҳзод номлари билан ҳам боғлиқ бўлган бу уйғониш даври уч хонлик давридаги сиёсий тарқоқлик ва Россия империяси босқини ва мустамлакачилигига қарши кураш, маърифатпарварлик, жадидчиликнинг истиқлол учун кураши учинчи уйғониш даврини тайёрлаганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Навоий миллат Бутунлигини сақлаш ниятида кўпхотинлилик ва вояга етган фарзандларнинг жиққамушт бўлган бир чоғида битта никоҳ, севишган икки ёр вафоси масаласини илгари сурди. «Ман хоҳамки» ғазали ҳаётни қайта қуришга ундади; «Фарҳод ва Ширин» достонида босқинчликни, урушни қоралади, ҳар бир халқнинг ўз ҳолича, мустақил яшаши йўлини тарғиб қилди, Нақш-банднинг дилинг худода, қўлинг ишда бўлсин, деган сўфиёна шиорига суяниб ижод қилди. Оврўпа халқлари ўз уйғониш даврларида қадимги юнон маданиятига таянган эди. Шарқда ҳам Навоий даврида Оврўпа мамлакати бўлган антик юнон илму фанини, Платон ва Аристотелни ўрганилди, бу илму фан ва фалсафани араб тилига ағдариб, Оврўпага ўтказилди. Бу соҳада Ибн Сино, Беруний ва Форобийлар мавкеи алоҳида эди.

«Хўш, бу гапларни тарихчиларимиз биладими? — дейди Ислом Каримов, — Бундай қарашлар бўлганини халқимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир мустақиллик шароитида ҳам кимдандир, қўрқиб, чўчиб гапирадилар». Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган мақоласида буни яна алоҳида таъкидлаб дейдики, «бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар, яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш». «Шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз».

Чор ҳукумати ва совет даврида яшаган баъзи Россия олимлари бошқа миллатлар маданияти ва шоиру олимларини камситиш, улардан кир қидириш билан шуғулланганлар.

Миллий адабиёт, адабий ижод халқ ҳаёти ва тарихий ҳақиқатлар асосига қурилади, уларни истеъдодлар яратади. Аммо уларни анъана ёки адабий таъсир юзага келтирмайди. Анъанавий таъсир ёрдамчи воситалардир. Аммо рус олими академик В. В. Бартолд мустамлакачи давлат сиёсати таъсирида Алишер Навоийни форс адабиётининг таржимони деб атади.

Навоийнинг ўзи «Хамса» татаббуъ битдим» дейди, татаббуъ «бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан бориб текшириш, излаш»дир.

Демак, татаббуъ таржима дегани эмас, балки мусобақадир, ким ўзардир, буюк шоирлар баҳси, тортишувидир.

Кейинги йилларда Навоий қомуси тайёрланди (ҳали босилиб чиқмаган), ижоди бир сидра, атрофлича таҳлил қилинди, эътиборга лойиқ баъзи қиёсий монографиялар ёзилди, диссертациялар ҳимоя қилинди. Аммо Навоий асарлари тематикаси, сюжети, композицияси, конфликти, услуби, тили тўғрисида алоҳида-алоҳида илмий, капитал тадқиқотларга эга эмасмиз. Шоир поэтикаси бир томонлама ишланди, маҳорати ҳам. Академияда навоийшунослик бўлими мудири проф. А. Ҳайитметов хизмати алоҳида ҳурматга лойиқ, аммо биз айтган ҳамма гаплар кечаги кун, босиб ўтилган босқич, мустақиллик янги вазифалар ва имкониятларни юзага чиқаради. Навоий асарлари рус тилида 10 жилд ҳолида босилиб чиққан. Ҳозир Республикада шоирнинг 20 жилдлик мукаммал асарлари тўплами босилаётир. Ғарбий Оврўпада-чи? Айрим асарлари, баъзи китобларидан парчалар чиққан. Катта ишлар қилинганча йўқ.

Мутахассислар айтишига қараганда, Оврўпада Навоий яшаган XV асргача 20 жилд асар ёзган шоир бўлмаган. Олимлар Америка ва Оврўпа ҳозиргача Алишер Навоий ва унинг асарларини яхши билмаслигини таъкидламоқдалар. Бунга шароит ва имкон яратилмаган. Навоий ўз даврида Оврўпага кирувчи айрим халқларни, хусусан юнонларни ўрганган. Унинг адабиёт назариясига оид қарашлари Аристотелнинг IX асрдан бошлаб, араб тилига бир неча марта таржима қилинган «Поэтика» асарини ўқиганлигидан гувоҳлик қилади.

Академик Н.И. Конрад «Ўрта аср Шарқ Уйғониши ва Алишер Навоий» деган мақоласида дейдики, «Алишер Навоийдек шундай шоир бўлганлигидан хурсанд бўламиз. Бизга шундай шоирни ҳадя қилиб келтирган ўзбек халқига буюк раҳмат айтамиз. Уни ўрганибгина қолмаймиз, балки ўқиймиз ҳам, уни ўқибгина қолмаймиз, балки у ҳақда ўйлаймиз ҳам. Уни ўзимизники қилиб оламиз» (Н.И. Конрад. Запад и Восток. М., 1972, 289-бет).

Таржима халқлар ўртасидаги олтин кўприк, дейишади. Навоийни Оврўпа тилларига тўла таржима қилиш Оврўпа халқлари билан ўзбек халқини бир-бири билан янада яқинлаштиради. Ўзбекистонда англиялик улуғ драматург Шекспирни, немис шоири Гётени, француз реалист ёзувчиси Балзакни билмайдиган мактаб ўқувчиси ва талаба йўқ деса бўлади. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида Таржима назарияси ва адабий алоқалар бўлими ишлаб турибди. Лекин ҳали унда Оврўпа халқлари ва Навоий масаласи махсус ўрганилгунича йўқ. Навоийшунослик бўлимида инглиз, немис, француз тилларини яхши биладиган навоийшуноснинг ўзи йўқ.

Бартолднинг илмий жиҳатдан бутунлай асоссиз бўлган мазкур фикри ҳанузгача қарийб ўз кучида турибди, у махсус рад қилинмаган, шу кунгача навоийшуносликда бажарилган ҳамма ишлар эса бунда узил-кесил жавоб бўла олади деб тўла асос билан айтиш қийин, чунки бу ишлар Ўзбекистонда ва ўзбек тилида амалга оширилган. Бу вазифани тўла адо этиш учун камида учта катта ишни бажариш лозим бўлади:

1) Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлари тўпламини инглиз, француз, немис тилларида босиб чиқариш керак (кейинроқ хитой, ҳинд, япон, араб, форс тилларида нашр этишни режалаштириб бориш тўғри бўлади). Маълумки, нашрлар уч хил бўлади, текин, таннархи доирасида ва пуллик босиб чиқариш мумкин. Албатта обуна қилиш дунё миқёсида бўлиши табиий, Навоий асарларини хориж учун нашр қилиш ўз харажатларини қоплай олади.

2) Жаҳон ва миллий адабиёт назарияси ва поэтикаси талаблари асосида шоир асарлари навоийшунослик томонидан кўп жилдли ва бошқа тарзда чуқур илмий-қиёсий тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

3) Тошкентда Навоийшунослик институтини очиш, уни ана шу ҳамма ишларга бош-қош бўладиган марказга айлантириш лозим.

Бундай иш жаноб В.В. Бартолдга илмий жавоб бўлур эди ва у истеъдодли ўзбек халқи учун Бухоро нефт ва олтин конлари, Асака автозаводини бунёд қилишдан асло кам эмас. Чунки миллатни халқ яратади. Аммо миллатнинг маънавий салоҳиятини унинг истеъдодлари ва даҳолари вужудга келтиради. Навоий эса ўзбек халқининг миллий ифтихоридир. У аллақачон мустақил мамлакатнинг давлат сиёсатига айланган.

Улуғ Алишер Навоийнинг эзгу ниятли азиз руҳи Америка ва Оврўпадагина эмас, балки бутун дунёни кезиб юрибди. Буюк шоирнинг айрим асарлари, улардан баъзиларининг парчалари Оврўпа ва Америкадаги баъзи халқлар тилларига ўгирилгандир. Аммо Навоийнинг ўзи табаррук, бутун савлати ва салобати билан Оврўпа ва Америкага қачон боради?

Уммат ТЎЙЧИЕВ,
филология фанлари доктори

Ингеборг БАЛДАУФ

Олмония туркийшунос олимаси

ҲАҚИҚАТ АХТАРИБ

(Ўзгариш ва узвийлик хусусида)

Боши ўтган сонда

...Илк жадидларнинг ҳаммасига ҳам ўшанда ва бироз кейинроқ нурли келажак томон элтувчи ҳақиқий йўлни пайқаш, топиш насиб этмади. Уларнинг бир гуруҳи 1917 йилдаги Феврал инқилобидан кейин ҳақиқатни миллий мухториятдан ахтара бошладилар ва ўз ижодлари орқали Туркистондаги миллий мустақиллик ҳаракатини қўллаб-қувватладилар. 20-йилларнинг бошларига келиб сиёсий тараққиётда болшевиклар ғалаба қозониши аниқ бўлиб қолгандан кейин миллий мухторият тарафдорлари бўлган жадидларнинг кўпчилиги пайдарпай болшевиклар томонига ўта бошлади, яъни улар отларининг бошини ҳақиқат томон бурдилар. Фақат баъзи бирларигина ўз орзу-умидларидан воз кечолмас, улар ҳали ҳам «адашганларга» «ҳақиқат йўлини» кўрсата олишга умид боғлардилар. (Фитрат. «Ўқитувчилар юртига». «Ўзбек ёш шоирлари». Тошкент. 1922). Улар «Рус империализмининг сояси йўқолсин», Туркистон устига миллий озодлик қуёшининг нурлари тушсин, деган чақириқларга тўла оптимистик руҳдаги шеърларини ёзишда давом этдилар. Нур-зулмат метафорикаси замирида энди «миллий озодлик-империалистик қуллик» тушунчалари ётарди.

Сиёсий ғолиб фақат ҳақиқатга эгалик қилиш ҳуқуқи билан чекланмади — у энди дуалистик метафориканинг «нур» қисмини ҳам эгаллаб олди. Миллий руҳдаги шоирлар учун 1924 йилдан кейин хаёлий тасаввур ва зулмат қолди, холос. Худди келишиб олишгандек, улар бу икки метафорани ўзларига олиб, келажак ижодкорларида улардан фойдаландилар. Жадид зиёлиларининг сўнгги тўгарагида иштирок этганларнинг йўллари қандай қилиб ажралиб кетганини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Фитрат ва Боту биргаликда «Чиғатой гурунги» даврасида ўзбек тилининг назарий масалаларини муҳокама қилишар ва бадиий асарлар яратардилар. Уларнинг «Ўзбек ёш шоирлари» антологиясига киритилган асарлари юқори даражада ҳамоҳангдир. 1924 йилда эса «Инқилоб» журналида Фитратнинг «Менинг кечам» шеъри чоп этилди. Бироз кейинроқ бу шеърга жавоб тариқасида ўша журналда Ботунинг «Менинг ёруғ кундузим» сарлавҳали шеъри босилиб чиқди. Шоирлар йўлининг икки қарама-қарши томонга ажралиб кетганлиги бу шеърларда яққол кўриниб турибди. Фитрат қоронғу кечани ўз хаёллари билан бехалал шуғулланиши мумкин бўлган ягона шароит сифатида таранним этса, Боту нурли кундузни қайноқ меҳнат оғушида социалистик ҳақиқат томон бориладиган вақт сифатида ардоқлайди.

...Чўлпоннинг «Мен шоирми?» деган шеъри 1923 йилда ёзилган бўлиб, у ўзбек шеъриятининг бир қанча йиллар давомидаги йўналишини Чўлпоннинг рақиблари англаб етгандан ҳам юқорироқ даражада белгилаб берди. Чўлпон ўз идеали, яъни миллий мухториятни амалга оширишнинг иложи йўқлигини англаб етган эди. Шоир янги воқелик ва янги тил талабларига мутаносиб равишда ўзининг интилишларини «хаёл» деб атайди; албатта, «хаёл»ни бу ерда икки хил тушуниш мумкин: у бир вақтнинг ўзида беҳуда кетган ҳатти-ҳаракатни ва ҳали интилиш мумкин бўлган мақсадни англатади ва сўнггиси ҳақиқатнинг қарама-қарши қутбини ташкил этади. «Мен шоирми?» шеърида Чўлпон ўз орзу-истаклари, идеали нимага айланганлигини кўриш учун «хаёл»ини осмонларда сайр эттиради ва идеали қуруқ хаёлга айланиб қолганига амин бўлади. Шу сабабдан у

«Хаёлим кўклардан тушиб кетадир,
Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир...»

—деб аччиқ алам билан эътироф этади. «Хаёл» сўзини жадидлар ўзларининг ҳақиқат томон интилишларига зид ўлароқ «жаҳолатпарастларнинг» ва махсус равишда сўфийларнинг интилишларини ифодалаш учун ишлатишган. Аммо бошқаларга «хаёл» бўлиб туюлган нарсаларни сўфийлар «ҳақиқат» деб, бошқа ҳақиқатлардан «юксакроқ ҳақиқат» деб тушунганларини жадидлар гўёки билмаганга ўхшардилар. Менимча, Чўлпон ўзига «Қаландар» деган тахаллус қўяр экан, мазмунларнинг шундай ғалати чалкашлигини жуда ўринли ишлатиб, сўз ўйини қилган. Шу йўл билан Чўлпон биринчидан унинг мақсадларини «хомхаёл» деб атаган рақибларининг кўнглини чоғ қилган, аммо иккинчидан ўзи жимгина ғалаба нашидасини сурган, зеро ушбу хомхаёл деб ўйланган нарса охир-оқибатда ҳақиқат бўлиб чиқади-да. Албатта, бу ҳақиқат соф диний ҳақиқат эмас, балки ўзгарган вазиятга мос келувчи ва ҳукмрон доиралар ҳали англаб етолмаган ҳақиқат эди (Ҳақиқат алал — оқибатда сўнгги схоластик жадидлар томонида бўладими ёки дарвеш томонида бўладими, бу ҳақда тарих ҳукм чиқаради).

Чўлпон ўзининг мухторият хусусидаги орзуларини ифодалаш учун қайта-қайта сўфий метафорикасига мурожаат қилди. «Қаландар ишқи» шеърини у мусулмон шарқи халқларининг конгресси муносабати билан 1920 йилнинг сентябрида олис Боку шаҳрида яратди. Мухторият тарафдорлари бу конгрессга катта умид боғлагандилар. Чўлпон бу умидларнинг пучга чиқишини ва «ленинча миллий сиёсат» ғалаба қозонишини аниқ билган. Қуйидаги мисраларда сўфиёна метафорика ва «инқилобий» нур-метафорикаси ҳамда шоирнинг исми, яъни «Чўлпон — тонг юлдузи» қўшилиб, маълум маънода астрономик мета-метафорикани ташкил этган:

«Қаландардек юриб дунёни
кездим, топмадим ёрни
Яна кулбамга қайғулар, аламлар
бирла қайтдим-ку.
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон
эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай
ерга ботдим-ку».

Ушбу мисраларда яширинган ишоралар бойлиги қуйидаги «тушунарли матнда» намоён бўлади: «Мен сиёсий мақсади бошқаларга «хаёл» бўлиб туюлган киши сифатида Бокуга бордим, аммо интилган нарсага эриша олмадим. Мен янги, яхшироқ бир воқелик тонги отаётганини эълон қилмоқчи эдим, аммо бошқа бир қуёш, хусусан, мен четлаб ўтмоқчи бўлган Октябр инқилоби қуёши менинг қуёшимдан илгарироқ чиқди ва у мени ерга тиқади» (Чўлпон 1938 йилда қатл этилди).

Битта мақолада Чўлпоннинг «хаёл»га нисбатан муҳаббати уфуриб турган барча шеърий асарларини санаб ўтишнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, эстетик нуқтаи назардан ҳам бу ўзини оқламаган бўлурди. 20-йиллардаги ўзини шоир деб билган ҳар бир ўзбек «адашганлар»га қарата ғазабнок сўзлар айтиб, мартабасини оширишга ҳаракат қилганини айтиб ўтишимиз кифоя.

20-йилларнинг ўрталарида Туркиядаги тимсолчилар (символистлар) «шоир ҳақиқат хабарчиси эмас», деб эълон қилган бўлсалар, Ўзбекистондаги танқидчилар ўз фикрларини янада аниқроқ баён этдилар: «Символизм... «яширин бир ҳақиқат»ни, «яширин бир воқеликни» излаб топишга ҳаракат қилади» (Абдураҳмон Саъдий. «Адабиёт масалалари ва Октябрдан кейинги ўзбек адабиёти». 1930).

Мана, жадидчилик, инқилобчилик, миллатчилик ва ғайридинчилик руҳидаги матнларда «ҳақиқат» тушунчаси қандай акс эттирилганлигини кўриб чиқдик.

Энди «ҳақиқат, воқелик» пролетар ёки социалистик реализмда қандай тасвирланганлигини аниқлайлик, зеро, у бизга келажак томон йўл очади, ўтмишдан бугунги кунга кўприк бўлиб хизмат қилади.

1989 йилнинг ноябр ойида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Обид кетмон ҳақиқати» деган катта бир мақола чоп этилди. (Умарали Норматов. «Обид кетмон ҳақиқати». Ўзбекистон адабиёти ва санъати. <186> 47. 1989 йил 17 ноябрь). Бу мақола билан «Обид кетмон» эълон қилинган кун орасида эллик беш йиллик давр ётарди. Бу орада қанча сувлар оқиб кетган, Абдулла Қодирий қатл этилган, сўнгра қайта оқланиб, «ўзбек совет адабиёти асосчилари» сафига киритилган, ошкоралик эълон қилинган, социалистик реализм методи бадиий услуб сифатида йўқ қилинган эди. Буларнинг барчасидан хабардор киши «Обид кетмон ҳақиқати» деган сарлавҳадаги «ҳақиқат» сўзи нимани англатаркан деб қизиқмасдан иложи йўқ. Олдиндан айтиб қўяй, ҳақиқатнинг жозибаси бир хилликда эмас, балки кўпхилликда намоён бўлади. Буни мен далиллар билан исботлаб ўтирмайман, зеро, юқорида кўриб чиқилган ҳолатлар шундай хулоса қилишга асос беради.

«Ҳақиқат очиқ сўзлашдадир», деган машҳур жумла муаллифи Абдулла Қодирий жадидчилик муҳитидан ўсиб чиқди. У инқилобдан илгариёқ ўзининг митти сатирик асарлари ва каттароқ ҳикоялари билан жамоатчиликка танилди. Унинг асарларида бошқа ёзувчиларнинг ўша даврларда ёзилган асарларидек маърифий-тарбиявий руҳ уфуриб турарди, аммо унинг асарлари улардаги ҳазил-мутойиба, сўз ўйинлари ва айниқса услубнинг равонлиги ила бошқа асарлардан яққол ажралиб турарди.

Йигирманчи йилларда унинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» тарихий романлари дунё юзини кўрди. Ҳар иккала роман ҳам босмадан чиқиши биланоқ қаттиқ танқидга учради. Танқид Абдулла Қодирийнинг ҳаётий йўлига, яъни унинг ҳақиқатни қандай тушунишига қаратилган эди. Шу сабабдан у «Меҳробдан чаён» романининг сўзбошисида шундай дейди: «Уларнинг (қаҳрамонларнинг, ошиқларнинг) хон ва уламога исёни табиий-шаърий. Чунки шундан ортиғи сохта бўлиши устига китобнинг қадрини ҳам туширар эди. Абдулла Қодирийнинг ўзи китобдаги воқеаларни «табиий» деб атаган экан, демак, улар ўта реалистик, яъни ҳар ҳолда агар жоиз бўлса, «илк социалистик-реалистик»дир. Уттизинчи йилларнинг бошларида Абдулла Қодирий рақибларининг барча камситишлари ва танқидларига қасдма-қасд Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг етакчи раҳбар лавозимига ишга тайинланди. Аммо рақиблар тинч ўтиришмади, 1935 йилда ёзувчининг «Обид кетмон» асари чоп этилиши билан, воқеликка ёндашувда «синфийлик» йўқ, деган баҳонани рўкач қилишиб, қаттиқ танқид остига олишди. Шундан сўнг Абдулла Қодирий «Шубҳа» сарлавҳали кичик ҳикоясини эълон қилди. Худди «Обид кетмон»дагига ўхшаб «Шубҳа» ҳикоясидаги воқеалар ҳам ёш колхозлар ҳаётидан олинган.

Ҳикоянинг сарлавҳаси «Шубҳа», аммо менимча, ҳақиқат ахтарувчи Абдулла Қодирий бу ҳикоясида иккита шубҳани тасвирлаган. Биринчи шубҳа қаҳрамонларнинг ўзини тутишига, ҳатти-ҳаракатига қаратилган. Ўқувчи Тўйчибоевнинг қанақа одам эканлигини, у чиндан ҳам, яхши ниятдаги огоҳлантирувчими ёки саботажчилардан бирими, аниқ билолмайди. Нега у синфий душманни бу ишга аралаштирган, умуман, у шундай қилганми, буларнинг барчаси ўқувчига қоронғу, зеро, у Зуҳуровдан кўпроқ маълумотга эга эмас. Ва Зуҳуров ҳам барча ҳолатларни ўқувчидан аълороқ билмайди. Қоронғуда кимлигини аниқламай туриб бир кишини отиб ўлдиради, аммо уни жавобгарликка тортиш ўрнига роса мақтайдилар. Бундай шахслардан шубҳаланиш ўринли, шу сабабдан ёзувчи буни ўқувчиларнинг ўзига ҳавола этади. Бу ҳикояда Абдулла Қодирий ўзининг 1922 йилдаги «очиб сўзлаш орқали ҳақиқатни юзага чиқариш керак», деган шиорига содиқ қолиб, ўз даврининг бир қанча ижтимоий воқеликларини очиб ташлаган. Бу воқеликлар ўзини ягона ҳақиқат эгасиман деб айюҳаннос солган жамиятда шахс ўзининг барча эркинликларидан мосуво бўлишини намоён этади.

Абдулла Қодирий ўз ҳикоясида ифода этган иккинчи шубҳа фикримча, метафорага, бадиий, ижодий мусаффоликка ёки бошқача қилиб айтганда, социалистик реализм методининг асослигига, қонунийлигига билдирилган. Ҳикоя бу услубнинг барча талабларига жавоб беради, шу сабабдан билишимча ҳеч ким бу ҳикояни танқид қилмаган. Ҳикояда типик колхозчилар, синфий душманлар, шубҳали саботажчилар ва қишлоқ аҳолисига тўғри йўлни кўрсатадиган илғор фабрика ишчисининг нурли сиймоси ҳам мавжуд. Абдулла Қодирий эса характерларни ҳамда воқеаларни нозик бир усулда тасвирлаш орқали бу методнинг ўринли, жўяли эканлигига шубҳа билдирадики, (буни англаб етиш учун рақиблар Абдулла Қодирийдек теран заковатли бўлиши керак эди. Тарж.) Абдулла Қодирий кўринишдан ҳақиқатни ахтара туриб, кўз олдига ғоявийлик ва партиявийлик тозалагичини қўйгиси келмасди. Рақиблари эса унга барча асарларида ва «Обид кетмон»да ҳам кишиларни ижтимоий синфларга бўлиб эмас, балки иккита ўзи ясаган синфга, яъни яхши ва ёмонга ажратиб тасвирлаганини рўкач қилиб, таъна тошларини ота бошладилар. Бу таъналар 1989 йилга келибгина шубҳа остига олинди. Социалистик реализм методи ўзининг устунлигини йўқотгач, кишилар реализмни худди Абдулла Қодирий тушунгандек, яъни «воқеа ва ҳодисаларни ҳаётда қандай содир бўлган бўлса, шундай тушунишга» мойил бўла бошладилар (А.Қодирий. «Қизил Ўзбекистон». <186> 69. 1935 йил 14 март)

Умарали Норматов «Обид кетмон ҳақиқати» сарлавҳали мақоласида шундай деди: «Бадиий сифатнинг муҳим кўлами шоирнинг ҳаёт ҳақиқатларини ўзига хос услубда очишидир. «Эҳтимол, бу 1989 йилга келиб, «ҳақиқат» тушунчаси «воқеликнинг янгича кўриниши» деган мазмунга эга бўлди, деганимикан. У ҳолда мақола «Обид кетмон» ҳикоясида реализм тушунчаси» деб аталиши лозим эди. Эҳтимол, «Ҳақиқат» сўзининг бошқача талқини, хусусан диний мавзуларга тааллуқли ифодаси тўғрироқдир. 1989 йилдаги мақола муаллифи айниқса битта саҳнага кенг ўрин берган. Унда Худога ишонувчи киши ўта қобилиятли ва меҳнатсевар бўлса-да, партия аъзоси бўла оладими, деган масала кўрилган. Эҳтимол, ҳикоя қаҳрамонига «Обид» исми, яъни «Худонинг хизматкори», деган исм бежиз танланмагандир. Тўғри, бу шунчаки бир мулоҳаза холос, аммо Обид диндан воз кечишни истамаганлиги, партияга ўтишни рад этганлигига қарамасдан, партиянинг фаолларидан бири бўлмиш маърифатчи дўстининг саъй-ҳаракатлари билан партия аъзолари сафига қабул қилинади. «Дин масаласини олдиндан очиқ қолдирамиз», дейди 1935 йилдаги партия фаоли. «Бу масала ҳали ҳам аввалги ҳолида», дейди 1989 йилда танқидчи. Шундоқ экан, мақола сарлавҳасини «Обид кетмон ва улуғ ҳақиқатлар масаласи», деб тушунсак тўғрироқ бўлармикин...

Ўзбек адабий танқидчилигининг кўпгина намоёндалари ҳозирги кунларда Абдулла Қодирий асарларидаги диндан илҳомланиб битилган саҳифаларни излаб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу нуқтаи назардан масалан, Хайриддин Султонов ўзининг «Шоирона, дарвешона бир маъно» мақоласи билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», <186> 22, 1990 йил 1 июн) анча илгарилаб кетди.

Шуларни ёзарканман, бир зум хаёлга чўмдим. Эҳтимол, бироз ошириб юборгандирман. Эҳтимол бу мақола («Обид кетмон ҳақиқати». Тарж) ҳозирги кунларда Ўзбекистонда битилаётган саноқсиз мақолалардан биттасидир, холос, зеро, ўзбеклар ўз-ўзини муҳофаза қилишнинг хатарли ва машаққатли ўн йилликларидан кейин яна ҳақиқат ахтаришга киришдилар. «Ҳақиқат» энди «Ўшанда амалда содир бўлган воқеа», деб тушунилмоқда. Шундоқ экан, «Обид кетмон ҳақиқатини» энди «Обид кетмон бошидан ўтказган воқеалар тўғрисидаги ҳақиқат», деб талқин этсак тўғрироқ бўлармикин...

Олмон тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси

Ойдин меҳмонхона

Амир ФАЙЗУЛЛО:

КАШФ ҚИЛМОҚ САНЪАТИ

Барча замонларда адабиёт майдонига кирган қалам аҳли яратган бадиий асари билан янги нафас, янги йўналиш, янги имконият, янги тафаккур олиб келган. Бадиий тафаккур ҳеч пайт бир жойда тўхтаб қолмаган. Адабий-бадиий жараён тафаккур каби тинимсиз янгиланишда, ўзгаришда, юксалишда бўлади. Жаҳоннинг турли халқлари адабиётлари ўзларининг ифода, тасвир услубларини, инсонга муносабатларини янгилашлари орқали жамиятни янгилашга йўл очганлар. Жаҳон бадиий тафаккури барча нарсани ақл-идрокка мос ўзгартишга таянадиган ижодий асосга қурилган. Шу сабабли ўзбек китобхони дунёнинг қайси бурчагида яралган бўлмасин, ақлни, тафаккурни янгилайдиган, инсон ҳақидаги тасаввурларни бойитадиган биронта асардан ҳам бебаҳра қолмаслиги лозим. Бу ўринда асарни аслиятдан ўгириб, ўзбек ўқувчиларига ўз кўри, ранги бўёқлари, жилолари билан етказиб берувчи таржимонларимизнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биз таржима санъати олами билан ошно бўлиш ниятида заҳматкаш таржимонлардан бири Амир Файзулло ижодхонасида у билан ижодий гурунгда бўлдик.

— Амир ака, таржимонлик деганда нимани тушунасиз?

— Энг аввало машаққатли меҳнатни тушунаман. У билан шу соҳага қизиқувчиларни чўчитмоқчи эмасман, ахир дунёда бемашаққат ишнинг ўзи бормикан? Аммо нима учундир «машаққат» сўзи «таржимонлик» сўзига эгиздек туюлади, назаримда. Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам йўқ эмас. Ўйлашимча, таржима соҳасида қалам тебратаётган ижодкор(!) шу касбни санъат даражасига кўтарсам дейди: ўзига тушунарли, дилига яқин асарларни танлайди, дилига тугиб қўйган чиройли ва ноёб ташбеҳ, ўхшатиш ва ибораларни ўзи танлаган таржима асарларида ишлатишга ҳаракат қилади. Буни қай даражада амалга ошириши янги таржимоннинг иқтидорига боғлиқ. Шу нарсани таъкидлашни истардимки, таржима иши ғоятда мароқли, серзавқ, илҳомбахш нарса, баайни кимўзар мусобақасига ўхшайди — муаллиф бундай демоқчи бўлибди. Менда эса ундан ҳам чиройлироқ бир ибора бор, муаллиф асарини очиб юбориши ҳеч гап эмас, деган фикр таржимонга ғойибдан ғайрат бағишлайди. Муаллиф ва китобхон олдидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишга ундайди.

— Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар дейишади. Сизга тақдир ажойиб устозларни рўбарў қилган. Устозларимиз Мирзиёд Мирзоидов, Ҳасан Тўрабековлар ҳақида эслаб ўтсак, уларнинг руҳларини шод этсак. Устоз отангдан улуғ дейишади-ку.

— Каттами, кичикми — сафарга отланаётган кишига, одатда халқимизда «арвоҳлар ёр бўлсин» деган ниҳоятда ўткир ва донишмандона тилак билдирилади. Таржима иши ҳам бутун бошли бир сафар, муаллиф билан бирга китобнинг биринчи сатридан кириб, сўнгги сатридан чиқиб кетилади. Мен ва мен билан тенгдош бир талай таржимонларнинг ўз пайтида омадимиз чопган экан. Ғафур Ғулом нашриётида узоқ йиллар Мирзиёд Мирзоидов, Малик Раҳмон, Одил Шаропов, Миркарим Осим, Ҳасан Тўрабеков, Иброҳим Ғафуров, Тоҳир Иброҳимов каби том маънодаги моҳир сўз усталари билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлгандик. М.Мирзоидов билан Ҳ.Тўрабеков бошқалардан кўра ёш жиҳатдан бизга яқин бўлганиданми, қадрдон дўстлардай муомала қилиб кетаверардик. Камчилик ва ютуғимизни ҳам шартта юзимизга айтаверишарди. Таржимонлик маҳорати бобида иккалалари икки олам эди. Янги сўз ва ибора қўллашда чўчиш ё иккиланиш деган нарса уларга ёт эди. Ўрганишга келганда ёш боладан сўрашдан ҳам тортинишмасди, бизни ҳам шундай бўлишга ундашарди. Мен уларнинг ҳар иккалаларидан бир умр миннатдорман.

— Амир ака, ана энди ўзингизнинг таржима ишига қўл уришингиз борасида гаплашсак, ҳиндий тили мутахассисисиз, «Маҳобҳорат» телесериали сизни эл орасида машҳур қилиб юборди десам янглишмаган бўламан, шундай эмасми?

— Тўғри. Эл оғзига тушишни ким истамайди, дейсиз. Албатта фақат яхши иш билан. Мазкур туркум филм ўзим кутмаган ҳолда мени катта ижод майдонига олиб чиқди — роса икки йил давомида кечаю кундуз адабиётнинг, бадиий ижоднинг ҳали менга учрамаган сирли эшикларини очишимга тўғри келди. Ўзим учун олган энг катта сабоғим шу бўлдики, адабиёт нима эканини англаб етдим. Ҳолбуки, адабиётнинг бу сирли калитини қидириб, озмунча китоб ўқимагандим. Барибир кўнглим тўлмай юрар эди. Филмнинг сценарий муаллифи доктор Роҳий Маъсум Ризо ҳинд, форс ва урду мумтоз адабиётини чуқур билган олим, ғазалгўй шоир эди. Эшитишимча, у юрагидаги дардни очиб соладиган бир буюк асар ёзиш ниятида узоқ изланишлар олиб борган экан. Ўзи мусулмон бўлиб туриб, беш-ўн минг йиллик тарихга эга бўлган ҳинд бадиий мерослари «Маҳобҳорат», «Рамаяна» ва умуман Веда адабиётини қунт билан ўрганган экан. Бу жиҳатдан мен халқимизни энг омадли халқлардан деб биламан.

— Шу асарни таржима қилаётганингизда ўзингизда қандайдир сир-синоат сездингизми? Ҳинд мазҳабида худолар кўп. Телесериалдаги воқеалар томошабинларни ром этиб, улар ойнаи жаҳонда бу филмнинг бошланишини интиқлик билан кутардилар. Асардаги авлиёлар руҳи қўллаганини ҳис қилганмисиз?

— Ҳар бир асар илҳом меваси, ботинида илоҳий қувват бўлмаса, ундай асар юракка таъсир қилмайди. «Маҳобҳорат» бошдан оёқ илҳом билан тўлиб-тошган. Ундаги илоҳий синоат менга ҳали филм ватанимизга келмасдан олдин аён бўлганди — бир йилдан кўпроқ вақт давомида тушимга узлуксиз Ҳиндистон кирди. «Маҳобҳорат» таржимасига киришдим-у бундай тушлар кўрмай қўйдим. Дунёдаги энг қадимги адабий ёдгорлик — бу Веда китобларидир. Бундан 8-10 минг йил муқаддам улар мукаммал бадиий асар сифатида шаклланиб улгурган экан. «Маҳобҳорат» ва «Рамаяна» ведавий адабиётнинг кичик бир бўлаклари ҳисобланади. Тўғри, булар барчаси диний китоблар, бироқ бизнинг Қуръони каримдек ривоятларга бой. Аслида буларда муайян тарихий бўлган шахслар илоҳийлаштирилиб, тангри даражасигача кўтарилган. Бир нарсани айтиш кераки, ҳиндларда худо битта. «Худолар» сўзи «девта» сўзининг нотўғри таржимасидан келиб чиққан. Бизнинг тушунчамиздаги худони улар «ишвар» ёки «бҳагвон» дейишади.

— Илоҳий руҳдаги асарларни таржима қилишда ўзингизни руҳан тайёрлаб оласизми ёки шартта иш столингизга ўтириб, таржимани бошлаб кетаверасизми? Бу борада ҳиндларнинг бадиий мероси «Шримад-Бҳагаватам» асари таржимаси ҳақида тўхталсангиз?

— Эстон мумтоз адиби Антон Хансен Таммсааре шундай дейди: «Киши ёши улуғлашгани сайин динга мойил бўлиб бораверади». Авлиё деганда оппоқ соч-соқолли одам кўз олдимизга келиши ҳам шундан бўлса керак. Тўғри, бутунлай кексайганимча йўғу аммо ёшинг ўтаверган сайин дунё кўзингга тобора сирли бўлиб кўрина бошларкан. Шу ҳақдаги китобларга бошқача меҳр билан муносабатда бўларкансан. Бу билан зукко ва эътиқоди мустаҳкам ёшларни асло эътибордан соқит қилаётганим йўқ, мен муносабат тўғрисида гапираяпман холос. Ёшликда сўзларнинг маъносига чуқур кириб боришдан кўра юзаки ёд олишга ҳавас кучли бўлади. Кексаликда эса оз нарсадан кўп маъно чақишга иштиёқ баланд. Мен кейинги пайтларда Қуръони карим сураларига изоҳлар, ведавий асарлардан «Шримад-Бҳагаватам»га Шрила Прабҳулада изоҳларини таржима қилдим. Албатта, булар мендан озмунча билим ва куч талаб этмади. Инсон фақат яхши яшаши ва бу дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиши учунгина меҳнат қилмаслиги керак. Зеро, ўн минг йиллар наридан туриб овози бизгача етиб келган буюк авлиёларнинг сўзига қулоқ осмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

— Асарни таржима қила туриб, ўзингизни янги асар ёзгандек ҳис қиласизми?

— Шубҳасиз. Таржима қилинган асарнинг муаллифи дилидан кечган, эҳтимолки, муаллифнинг ўзи ифода этмаган айрим кечинмаларни ҳам таржимон ҳис этиши ва таржимада акс эттириши мумкин. Шунда гоҳо «Ўзидан ҳам таржимаси зўр» деган ҳазиломуз таъриф пайдо бўлади. Ўзим таржима қилган барча асарларни мен ўзимники деб биламан, ундаги ҳар бир сўз, керак бўлса ҳар бир тиниш белгисигача даъвогарлик қиламан. Тўғрилиги учун курашаман. Шунинг учун бўлса керак, қадимда таржима асарларга муаллиф номи майда ҳарфларда панароқ жойда бериларди. Масалан Огаҳий таржималарини олайлик. Таржимон номи унвон варағининг энг юқорисида, йирик ва чиройли хатда берилган. Бизнинг давримизга келиб муаллифлик ҳуқуқи деган ақида бу қоидаларни тубдан ўзгартириб юборди.

— Янги асар ёзган осонми ё таржима қилишми?

— Аслида у ҳам қийин, бу ҳам. Таржимонлар орасида эса «Таржимадан кўра оригинал асар ёзган яхши» деган гап юради. Бу гап билан таржиманинг машаққатли меҳнатига урғу берилган. Бироқ оригинал асар ихтиёрий ёки буюртма тариқасида юзага келмаслиги ўз-ўзидан аён. Таржимада эса бунга бир оз эркин ёндошилади. Лекин айрим адибларнинг таржима ишига унчалик менсимай қараш ҳоллари ҳам йўқ эмас, бу эса ўша адибнинг дунёқарашидаги номукаммалликдан дарак беради, чунки ўзининг асарини бирон чет тилида кўришга у бир умр муштоқ бўлиб юрган бўлиши ҳеч гап эмас. Бу ўринда таржима аҳамияти тўғрисида гапиришга тўғри келарди, аммо буни зукко китобхонларимизнинг ўзлари биздан кўра кўпроқ ва чуқурроқ тушунганликлари ишимизни осонлаштиради.

— Амир ака, шу кунларда қандай асар устида ишламоқдасиз?

— Мўлжалимда қиладиган ишларим кўп. Мамлакатимиздаги Ҳиндистон элчихонаси ҳинд санъаткорлари томонидан яратилган «Ромаяна» телесериалини ўзбек тилига таржима қилиб берсангиз деб илтимос қилишди. Ҳозир шу телесериал таржимаси билан бандман. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмас. Кўпчиликда «Ромаяна» диний асар деган фикр йўқ эмас (Умуман, барча ведавий асарлар динийдир), бироқ телесериалда бундай эмас экан, «Ромаяна» бошдан-оёқ насиҳат, ўгит ҳикмат хазинаси экан. Ҳинд кино усталари «Маҳобҳорат»даги каби «Ромаяна»да ҳам замон талабларидан келиб чиққан муаммоларни ҳал этишда мумтоз адабиёт имкониятларидан унумли фойдаланганларини эътироф этиш керак.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:
Назира ЖЎРАЕВА



Табиатдан ёғиб нури илоҳий,
Кўнгилдай ёритди олам юзини.
Куёш ҳам бу кўркдан кўзи қамашиб
Булут панасига олди ўзини.

ЎЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ?

• Ота-она учун энг яқин дўст ва энг кучли душман ким бўла олиши мумкин?

(Фарзанд)

• Фарзандини тўғри тарбия қилган ота-она бу билан аввало кимга яхшилик қилган бўлади?

(Ўзига)

• Кишида нима етишмаса, уни ўргатишнинг ҳожати йўқ?

(Фаросат)

• Ҳар қандай кучли (ёки кучсиз) давлат ва халқ ҳамиша нимадан энг кўп зиён кўрган?

(Хиёнатдан)

• Хиёнат ўз эгасини охир-оқибатда иккала томондан ҳам албатта бир хил «мукофот»га сазовор қилади, «тортиқ»нинг номи нима?

(Жазо)

• Нима сабабдан хиёнатчи ҳеч қачон хиёнатдан кутган мақсадига етолмаган, етолмайди ҳам?

(Чунки хиёнатда вафо йўқ)

• Одамзодни йўлдан уриб ҳузур топадиган Шайтон кимдан ҳазар қилади?

(Сотқиндан)

• Киши қўлига оғирлик қилиб турган жиноятни (дейлик қотиллик) содир этишда нима вақтинча енгиллик ва рағбат беради, унинг танасидаги ҳайвонлик хусусиятини ошириб, ҳар қандай қабиҳликни у учун табиий бир ҳолга айлантира олади?

(Кашандалик ва ичкилик)

ДИЛОРОМ

ҲУНАР ГУЛЛАГАН ЗАМОНДА

Ўзбек усталари асрлар мобайнида боболаримиз яратган қадимий ёғоч ўймакорлик санъатининг ажойиб анъаналарини давом эттириб, бойитиб бормоқдалар. Ёғоч ўймакорлиги Ўзбекистонда қадимдан архитектура ва рўзғор жиҳозларида кенг қўлланилади. Ўймакорлик санъатининг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари бор. Масалан, Хева шаҳри монументал ўймакорлиги билан машҳур. Ёғоч ўймакорлигини кенг қўллаш шаҳар архитектураси қиёфасига ўзгариш ва ҳусн беради. Хева ўймакорлиги нақшу нигорининг гўзаллиги билан жозибали. Ўймакор усталар ичида Ота Полвонов машҳур. Марғилонлик усталар эса чуқур заминли ясси ўймакорликни кенг қўллайдилар.

Тошкентлик усталар кейинги пайтларда асосан рўзғор жиҳозлари тайёрлашга кўпроқ эътибор бермоқдалар. Халқ санъатининг битмас-туганмас бой меросини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган «Халқ амалий санъати усталари бирлашмаси»нинг устахонаси Дўмбирободда жойлашган. Бу ерда моҳир ўймакор усталар ижод қиладилар. Бундан бир неча йил муқаддам Тошкентда нақш билан қопланган ясси бўртмали ёки заминсиз, чизмадан иборат ўйма эшиклар тайёрланар эди. Усталар архитектура ва турли рўзғор жиҳозларида қўлланиладиган усуллари яъни — бўртма юзаси текис бўлгани ҳолда заминга нуқтали чекич уриб, қирраларини эса тик қирқишни сақлаб қолганлар ва маҳорат билан қўллайдилар. Сирожиддин ака Раҳматуллаев бошчилигидаги Акмал Азларов, Ҳасан Одилов, Қаҳрамон Валиев, Абдумажид Абдураҳмонов, Иброҳим Муҳамедов, Комилжон Турдиқулов каби усталар ва қатор шогирдлар ноёб асарлар яратадилар. Улар асосан ёнғоқ, чинор, Россиядан келтирилган дуб (болут), ясен (шумтол), қайрағочлардан фойдаланишади. — Ўймакор устанинг ишидаги муваффақият аввало ёғочни танлаб олишга боғлиқдир, — дейди уста Сирожиддин ака.

Уста ёғочнинг сифати, қандай сақланиши ва бошқа зарур хусусиятларини яхши билиши керак. Тажрибали уста ёғочнинг энг яхши, пишиқ қисмини тез аниқлай олади. Айниқса, дарахтнинг офтобрў томонидан олинган ёғоч жуда қадрланади. У пишиқ ва зич толали бўлади ва пардозлаганда чиройли жило беради. Усталаримиз ўсимликсимон нақшу нигорлар билан бойитилган анъанавий «ислимий шакл»ни севиб қўллайдилар. Ўзбек халқ санъатида «ислимий» деб турли хил гул, барг, банд каби шаклларнинг печкасимон ўрамасига айтилади. Йирик гулли ўймакорликда ёғоч юзаси текис қолдирилиб, фақат замин чуқурлаштирилган бўлади.



Паргорий ўймакорлигида майда геометрик орнамент асоси паргор ёрдамида чизилса, «ислимий» орнаментида эса нусха «ахта» қоғоз орқали кўчирилади. Ҳар икки ҳолда ҳам ўйиш усули ва асбоб-ускуналар бир хил.

Сирожиддин Раҳматуллаев гуруҳи кейинги йиллар ичида жуда масъулиятли ишларни амалга оширидилар. Улар Амир Темур музейи, Туркистон саройи, Ортиқ Файзуллаев бошчилигида эса Халқлар дўстлиги саройи, Зомин санаторийси эшиклари, панжара ва шунга ўхшаш ноёб намуналарни маҳорат билан яратдилар. Ҳозирги кунда улар Самарқанддаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг эшикларини ясаш устида тер тўкмоқдалар. Усталар бундай савобли ишда қатнашаётганликларидан бошлари осмонда.

Бу эшик ва дарвозаларни бошқалардан фарқи шуки, уларнинг юқори қисмига буюк муҳаддис қолдирган ҳадис намуналари битилмоқда.

Усталарнинг зўр ҳавас билан ясаган олти ва саккиз қиррали столчалари, қутичалари ва бошқа уй жиҳозларига қараб тўймайсиз. Бу жиҳозларда янги орнамент композициялар қўлланмоқда. Композициялар шарқона, ўзбекона қарашларни акс эттиради. Бундай ишлар кўп, узоқ ишлашни талаб қилади. Яхши асар уч-олти йилларда яратилади.

Усталар ҳозирда замонавий мебелларни ҳам гўзал орнаментлар билан безамоқдалар, ҳатто телевизор учун курсилар, кресло, диванларнинг тирсакларига ҳам орнаментлар яратмоқдалар. Янги киритилган деталлар туфайли жиҳозлар янада кўркам бўлиб, замонавий тус олади.

Ёки панжара ясашни олинг. Панжара махсус кичик ранда билан текисланган майда тахтачалардан териб ясалади. Панжара учун одатда текис ва оппоқ юза берувчи терак ва арғувон дарахти шохлари кўпроқ ишлатилади.

Кейинги пайтларда ўймакор усталаримизнинг бир қанча шахсий кўргазмалари бўлиб ўтди. Улар яна йигирмага яқин халқаро кўргазмаларда қатнашиб, муваффақият қозондилар. Усталар республикамизда ўтказилаётган кўргазмалар, фестивалларнинг доимий иштирокчиси бўлиб қолдилар. Чунончи, шу кунларда уста Акмал Азларов ўз асарлари билан Туркияда ижодий кўргазмада қатнашмоқда. Ҳунардан гул унар деб шунга айтсалар керак.

Наргиза НЕЪМАТ

Ахтарган топади

УЯМНИ ТОПГАНДЕК...

Бир куни бекатда автобус кутаётган эдим. Аксига олиб ҳадеганда келавермади. Тоқатсизланиб, у ёқ-бу ёққа юрдим, йўл чеккасида ўтўланлар орасидан келаётган шитирлаш эътиборимни тортди. Яқинроқ бориб қарасам, кўзлари эндигина мунчоқдек очилган, мўрт қанотларини патирлатаётган, ўтлар ичида чувалашиб қолиб, баданига ёпишган чумолилардан озор чекаётган қуш боласи экан. Нима қилиш керак? Уяси қаерда экан? Бекатга соя ташлаб турган дарахт шохларини кузатдим. Ҳаа тепада экан. Бироқ полопонни қандай қилиб уясига қайтариш мумкин? Вақтим зиқ, шошилаётган эдим. Оғримаган бошимга иш топилди дедим. Уни кўрмаган бўлсам ҳам майли эди.

Нима қилишни билмай турар эканман, автобус келди. Икки ўт орасида қолдим. Бир томонда нола чекаётган қуш, у ёқда манфаатларим. Иккинчи томон зўрлик қилди. Йўловчиларга эргашиб автобусга чиқдим. Кўнглимнинг бир чети ғаш бўлиб турди, ожиз, ёмон вазиятга тушган жониворга ёрдам беролмаганимдан ўкинардим. Худди шу қушча чумоли талаб ҳалок бўлса, уволи менга тегадигандай. Қушча менга ёруғ оламга эндигина очган қорачуқларини тикиб:

— Эй инсон, ахир сен воқиф эдинг-ку. Нега қутқармадинг? — деб нола қилаётгандек эди. Мен умр бўйи бу нола мени таъқиб қилишини тушундим. Ҳайдовчига илтимос қилиб, юриб бораётган автобусни тўхтатиб, тушдим. Орқамга қайтиб қалин ўтлар орасида питирлаб ҳолдан тойган қушчани топдим. Не машаққат билан дарахтга чиқиб, қушчани уясига қўйдим. Аллақайдан унинг ота-онаси пайдо бўлишди. Ва бошим тепасида питирлаб учиб қўнишди.

Мен енгил тортдим, гўё қушча эмас, мен уямни топгандек, талончилардан халос бўлгандек хурсанд эдим.

СИНОВ САҲРОСИ

Икки дўст поёнсиз саҳрода боришар экан. Саҳронинг ҳар қадами саҳро. Худо билади, яна қанча қум босиш керак. Улар ҳориб-чарчаб катта бир бархан панасига қўндилар. Сафар халталарида бир бўлаккина қотган нон қолган. Уни олиб ўртага қўйдилар:

«Буни икки бўлиб ҳозир еймизми ё бир ухлаб турсакмикин? Яхшиси бир ухлаб туриб кейин еймиз», — деган қарорга келишибди. Қотган нонни бир коса сувга ивитиб, уйқуга ётишибди. Шунда улардан бири уйғониб, очлик васвасасига чидолмай ивиган нон бўлагини еб қўйибди-ю тағин уйқуга чўзилибди. Йўлдоши ҳам уйғониб, нон ғойиб бўлганидан хабар топиб, ҳеч нарса деб ўтирмай косада нон ивитилган сувни ичиб кифояланибди.

Ҳамроҳлар эрталаб уйғонгач, яна йўлга отланибдилар. Бироқ нон ҳақида на у гап очибди на бу. Тақдир ҳам ўз ҳукмини ўқиб ётар экан. Ҳалиги ҳамроҳининг ҳам ҳақини еб қўйган киши сувсизлик, чанқаш азобидан нобуд бўлибди-ю, ивиган ноннинг сувини ичган йўловчи қийналиб бўлса ҳам ўз манзилига етиб олибди. Чунки ивитилган ноннинг ярим кучи сувга ўтиб кетган экан-да.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам киши ақл-фаросат билан иш юритгани маъқул. Хиёнаткор нафсга қул бўлган кимсанинг охир аҳволи вой.

Айни пайтда ўтиш даври бозор иқтисодиёти шароитида ғалаба ҳам, беқиёс порлоқ истиқбол, гулёр замонлар ҳам фақат ва фақат иймон, сабр-қаноат, ақл-идрок, соғлом фикрнинг этагини мустаҳкам тутган матонатли инсонларга насиб ўлғай.

Аслида ўтиш давридаги шундай синовларнинг бўлгани яхши. Ахир бугун биз ўз орамизда ўралашиб ётган дўст-душманни фарқлаяпмиз. Элу-юртнинг оғир кунида ҳам, енгил кунида ҳам доимо унга камарбаста бир авлодни кўраяпмиз.

Чидам, тоқат билан камолатнинг машаққатли йўлидан бораётганлар буюк келажакни иншооллоҳ кўражаклар.

БИР КУН КЕЛИБ...

Суҳбатдошим, ҳозиргина ёнимдан ҳол-аҳвол сўрашиб нари жилган танишим ҳақида сўрайди: «Ошнангизми?» Э, йўқ, — дейман хотиржам. Шунчаки таниш...

«Шунчаки таниш» деган сўз оғзимдан чиқиб кетдию, ўйланиб қолдим. Нега «шунчаки таниш?» Нега ошно таниш эмас, дўст таниш эмас? Оқибатли бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Олти ой, бир йилда бир хабар олмайди. У билан юзаки, «жонажон» жўрачилигимиз бор холос. Нега яқин эмасмиз. Бу амма-хола қолмай сўрашишларимиз — «қўқонманзират» — бари хўжакўрсинга. Борди-келдиларимиз ҳам шундай. Юзаки. Нега ҳаётимизда кўп муносабатлар ана шундай жуда юзаки? Ўйлаб кўрганмисиз?

Ўртада ҳамкорлик бўлмаса, шундай юзаки муносабатлар ўрнатилади, шекилли. Фикрлар яқин бўлмаса, ҳатто қариндош, туғишганлар ҳам узоқлашиб кетади.

Суҳбатдошим менинг гап-сўзларимдан бироз сергак тортгандай кўринди. Унинг кўзларида садоқатли дўстга етишдек орзу учқунлари йилт этгандек бўлди. Аммо мен дўст орттириш, ҳамкорлик ҳақида ўз таассуротларимни суҳбатдошимга эмин-эркин сўзлайвердим. Суҳбатдошим мени тушунмайди, унинг кўзларида, бесаранжомлик уқаман. Гўё бир кун келиб яқин дўстни душман қаторида, душманни эса дўст қиёфасида кўришни истамагандек...

Чин, сирдош дўстни қаердан топсам бўларкин-а?

Холмуҳаммад
ТОҒАЙМУРОД

Термиз

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0434.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 18.30

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Тоҳир ШОМУРОДОВ